


Pastor Tony Alamo The Alamo Christian Nation Volume 17400

# ХУДОНИНГ ҚЎШИНИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

## (КУЗАТУВЧИ ФАРИШТАЛАР)

**Тони Аламо**

Пайғамбар Элишанинг хизматкори эрта уйғонди ва у Сирия армияси ўзи ва Элишай бўлган шаҳарни ўраб олганини кузатди. Саросимада, у Элизага деди, "Эвоҳ, Ҳазратим! Энди нима қиламиз? [Бошқа сўз билан айтганда, бу мушкул аҳволдан қандай соғ-омон чиқиб кетамиз? Кейин Элишай ўз хизматкорига деди] Қўрқма: чунки бизнинг Ҳимоячиларимиз уларникидан жуда кўп. Ва Элиша [ХУДОга], РАБга ибодат қилди, Мен СЕНДАН ўтинаман, унинг кўзларини оч, у кўра олсин. Ҳамда, РАБ ёш кишининг кўзларини очди; ва у кўрди: қаранглар, Элишайнинг атрофидаги эса қирлар оловли отлар ва жанг араваларига тўлиб кетганди." (4 Шоҳлар 6:15-17).



*Чўпон Тони ва Сузан Аламо ўз ҳалқаро телевизион дастурида сурат 1973 йилда олинган*

Элишайнинг хизматкорини кўрсатиш учун Элишай ХУДОдан сўраган ХУДОнинг айнан ўша қўшини ёки хало- йиғи Ерихо шаҳри деворларини қулатган ХУДОнинг ўша қўшини ёки халойиғидир (Ёшуа 6:20). Ёшуа Ерихо шаҳрида РАББИНИНГ халойиғи лашкари БОШЧИСИни мана бундай учратди:

"Бир куни Ёшуа Ерихо шаҳрининг яқинида турганда қараса, ўзининг қаршисида ЎЗ қиличини ЎЗ қўлларида ушлаган бир киши турибди. Ёшуа УНИНГ олдига борди, ва УНГА ДЕДИ: "СЕН бизникимисан ёки душман (шайтон) тарафдамисан?" — деб сўради.

"ЙЎҚ, — деб жавоб берди У, — МЕН ЭГАМИЗ ЛАШКАРИНИНГ ЛАШКАРБОШИСИ СИФАТИДА [(инсон қиёфасига киргунча ИСО) the precarnate JESUS]. МАНА, КЕЛДИМ. Ёшуа юз тубан тушиб, унга сажда қилди ва УНДАН: РАББИМ ЎЗ қулига нима дейди? ЭГАМИЗ лашкарининг ЛАШКАРБОШЧИСИ Ёшуага шундай деди: Оёқ кийимингни еч; чунки сен турган ер Муқаддасдир. Ёшуа у айтгандай қилди.

Исроил халқи туфайли, Ерихо шаҳри зич қилиб ёпилди. Ҳеч ким чиқмади, ҳеч ким кирмади. [Бу улар ХУДОнинг Исроил билан бирга эканлигини билганликлари туфайли эди, ва шунингдек ХУДО уларни йўқ қилмоқчи эканлигини ҳам улар билишарди.]

Эгамиз Ёшуага шундай деди: "Мана, Ерихо шаҳрини, шоҳини ҳам, довюрак кудратли одамларини ҳам сенинг қўлингга бердим. Шаҳар атрофини бир марта айлангин. Барча жангчилар, сизлар шаҳарни бир марта айланиб чиқинглар. Олти кун шундай қиласиз. [Бу уларнинг мутлақ Ҳалокатидан аввал Ерихонинг гуноҳкор одамларини қўрқитиб, чалкаштириш эди.] Еттита руҳоний аҳд сандиғининг олдида қўлида биттадан қўчқор шохидан қилинган бурғу кўтариб юрсин. Еттинчи куни шаҳар атрофини етти марта айланинглар, руҳонийлар бурғуни чалиб юришсин. Ўша куни қўчқор шохидан қилинган бурғуларнинг узоқ чалинганини ва бурғу овозини эшитиши биланоқ, ҳамма бор овози билан бақирсин; шунда шаҳарнинг деворлари қулаб теп-текис бўлади, [бу ЭГАМИЗ лашкарининг кўринмас қўли билан амалга оширилажак] бутун ҳалқ, уларнинг ҳар бири тўғридан-тўғри унинг олдида юқорига кўтарилади. Нун ўғли, Ёшуа руҳонийларни чақириб, уларга шундай деди: "Аҳд сандиғини кўтаринглар, еттита руҲоний эса биттадан қўчқор шохидан қилинган бурғу олиб, Эгамизнинг аҳд сандиғи олдида юринг." Одамларга эса: "Юришда давом этиб, шаҳарни айланинглар, қуролланган Эгамизнинг сандиғи олдида борсин", — деди.

*(2 Саҳифада давоми бор)*

# ХУДОНИНГ ҚЎШИНИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ (КУЗАТУВЧИ ФАРИШТАЛАР)

*(1 Саҳифанинг давоми)*

Ёшуа халққа қуйидагиларни айтганда бу рўй берди. Эгамиз олдидан еттита руҳоний [Яҳудий] қўчқор шоҳидан қилинган еттита бурғуни кўтариб ўтиб, уларни чалиб боришар, Эгамизнинг аҳд сандиғи эса уларнинг орқасидан борарди. Қуролланган кишилар бурғу чалаётган руҳонийлар олдидан боришди, сандиқнинг орқасидан қолган одамлар борди. Руҳонийлар бурғуларни чалиб йўлда давом этарди. Ёшуа халққа шундай буюрган эди: "Мен айтмагунимча, сизлар бақирманг, овозингизни чиқариб шовқин қилманг, Мен сизларга, бақиринглар, деб айтган кунгача оғзингиздан ҳеч сўз чиқарманг, ўша кун келгандагина бақирасизлар.

"Эгамизнинг сандиғи шаҳарни бир марта айланиб келди. Улар қароргоҳга кириб, ўша ерда қолишди.

Ёшуа эртасига саҳарда турди, руҳонийлар яна Эгамизнинг сандиғини кўтаришди. Қўчқор шоҳидан қилинган еттита бурғуни кўтарган етти руҳоний Эгамиз сандиғининг олдида тўхтамай боришди ва бурғуларни чалишарди: қуролланган кишилар эса уларнинг олдида боришарди; Эгамизнинг сандиғи орқасида эса қолган одамлар борарди, руҳонийлар йўлда давом этар, бурғуларни тўхтамай чалишарди. Иккинчи куни ҳам улар шаҳар атрофини бир марта айланиб, қароргоҳга қайтиб келишди: Улар олти кун шундай қилдилар

Улар эрта тонгда турган еттинчи кунда қуйидагилар рўй берди, олдингидай шаҳарнинг атрофини етти марта айландилар, фақат ўша куни етти марта айланишди. Руҳонийлар бурғуни чалар экан, еттинчи марта шу рўй берди, Ёшуа одамларга шундай деди: "Бақиринглар, чунки Эгамиз шаҳарни сизга берган. Шаҳар лаънатлансин, унинг ичидаги ҳамма нарса Эгамизга бағишлансин. Фақат фоҳиша Раҳоба ва унинг уйидагиларнинг ҳаммаси тирик қолади, чунки у биз юборган хабарчиларни яширган эди. Сизлар эса нима қилиб бўлса ҳам лаънатланган нарсаларга яқинлашманг, яна ўша қарғиш теккан нарсаларни олиб, ўзингиз ҳам лаънати бўлманг, Исроил халқининг қароргоҳига қарғиш келтирманг, қароргоҳни ташвишга туширманг. Лекин барча олтин, кумуш, ҳамма жез ва темирдан ясалган идишлар Эгамизга бағишланган: Улар Эгамизнинг хазинасига келтирилсин."

Руҳонийлар бурғуларни чалганда, халқ бақирди: одамлар бурғу товушини эшитиши биланоқ баланд овоз билан бақирган эди, бутун шаҳар деворлари қулаб ер билан бир текис бўлди. [бу РАББИМИЗ лашкари (оммаси) ва РАББИМИЗ лашкари ЛАШКАРБОШИСИ томонидан амалга оширилди], шундай қилиб, одамлари шаҳарга кирди, ҳар бир киши тўғридан тўғри шаҳарга кирди ва шаҳарни қўлга киритишди. (Ёшуа 5:13-6:20).

Ханўх китобида, буюк пайғамбар бўлмиш Ханўх кузатувчи фаришталарни башорат қилади. Бу кузатувчи фаришталар ХУДОнинг фаришталаридир, ҳамда РАББИМИЗнинг Самовий халойиғи ҳамдир. Улар баъзан ХУДОНИНГ ушбу ердаги муқаддас одамларининг қўрувчи фаришталари сифатида тилга олинади. Яхши фаришталар ва ёмон фаришталар мавжуд. Ваҳий 12:4 оятда ушбу фаришталарнинг учдан бири—ёмонлари—ўзларининг йўлбошчиси, Шайтоннинг ўзи билан Жаннатдан қувилганлиги баён қилинади (Луқо 10:18). Лекин, шуни ёдда тутингки, фаришталарнинг учдан иккиси—яхшилари—ХУДОнинг хизматида қолди. Ёмон фаришталар, учдан бири, нафақат ёмон, балки жуда ёвуздирлар. Ваҳий 12:3 да, "шунингдек осмонда бошқа бир аломат кўринди; етти бошли улкан қизил аждаҳо [шайтон] пайдо бўлди" деб билдирилади. "Махлуқнинг етти боши — аёл ўтирган еттита тепалик [Рим, Италия]дир" (Ваҳий 17:9). Бу аёл Ватикан, Рим Католик мазҳаби, бесақолбоз, баччабоз ибодатхона бўлмиш сохта пайғамбар, сохта ибодатхона, шайтоний сиғиниш, мағлуқнинг бошидир" -деб баён қилинади.

Ваҳий 12:3 да ушбу етти бошнинг ўн шоҳи бор деб давом этилади. Ушбу ўн шоҳ Шайтоннинг Дунёни Янгидан Тақсимлаш, ёки ягона-дунё (марказлашган) ҳокимияти билан бирлашган Рим Ватиканига (БМТ., Дунёни янгидан тақсимлаш) қисқа вақт давомида (охиргиси Юнонистон бўлган ҳолда) ўз куч-қудратини берадиган ўнта Европа давлатларининг тимсолидир. "…Боши устидаги етти тож бор [ушбу етти тож етти минтақа устидан, ёки бошқача айтганда, бутун дунё устидан вақтинча ҳукмронлик қилаётган шайтоннинг Янги Дунёни тақсимлаш Тартиби тимсоли ҳисобланади]."[1]

"У думи билан осмондаги юлдузларнинг учдан бирини сидириб, ерга улоқтирди. [Юлдузлар ёвуз фаришталардир.[2] Ваҳий 1:20 да юлдузлар фаришталар тимсоли деб таърифлайди], ва [аждаҳо, Шайтон] ерга [бузуқ ва ёвуз фаришталарнинг учдан бирини] улоқтирди: ва аждаҳо [иблис] [тожида ўн иккита юлдузи бўлган аёл олдида турди. Бу (аёл) МАСИҲнинг Келини, ердаги МАСИҲнинг асл ТАНАСИ бўлмиш Янги Қуддусдир, Ҳақиқий Исроил, ХУДОнинг танлаганларидан, Яҳудийлардан келиб чиққан, Масиҳийлар, католик бўлмаганлар, .. Энди ХУДО барча халқлардан МАСИҲни ўз халоскори деб қабул қилувчи одамлар учун нажот эшигини очди]" (Ваҳий 12:4).

Ваҳий 12:4 да бу аёл (МАСИҲнинг ТАНАСИ) МАСИҲ бўлган ўз ўғлини туғишга тайёр эканлиги баён қилинади. Бу Шоҳ Ҳирод ва унинг лашкари орқали МАСИҲни УНИНГ туғилган вақтида ва/ёки икки йилдан кейин йўқ қилиш учун Исроил олдида тургандаги вақтга назар ташлаш,[3] чунки МАСИҲ шоҳлар ШОҲИ ва Эгаларнинг ЭГАСИ, дунё халоскори, УНИ ўзларининг НАЖОТКОРИ ва ҳокимият деб қабул қилувчи барчанинг қалбларини халос қилиш билан Шайтоннинг ишларини барбод қилгувчи ЗОТ эди ва ҳалиям шундайдир.[4] Колосаликлар 2:15 да МАСИҲ, "ўша хоч орқали руҳий ҳоким ва ҳукмронликлар устидан ҳам ғалаба қозонди... уларни Ўзининг тантанали юришида юргизиб, очиқ шарманда қилди (расвои олам қилди)."

Бу охирги кунлардир. [5] Ер юзи ХУДОнинг лашкари билан тўлди, ва ҳаво ХУДОнинг Ҳаво кучлари билан тўлди. Бу миллионлаб одамлар бутун дунё бўйлаб кўрган НУЖлардир. Чунки дунё одамлари ХУДО КАЛОМИдан мутлақ хабарсиз, улар ушбу НУЖлар бошқа сайёралардан келган ажнабийлар деб ишонадилар. Биз Библияни билганда, дунё одамлари не қадар алданганлигини билиб оламиз, чунки одатда НУЖ деб аталувчи ушбу "учар ликоплар," бошқа сайёралардан эмас. Улар МАСИҲ ерга яна қайтгунича ерни кўздан

**1** Дон. 2:40, 7:19-25, Ваҳ. 13:2-8, 14:8, боб. 17, 18:2-24 **2** Иш. 14:12-17, Мат. 25:41, Луқо 10:18, 2 Бут. 2:4, Юҳудо 6, Ваҳ. 12:3-4, 7-9 **3** Мат. 2:1-18 **4** Дон. 7:13-14, 1 Тим. 6:14-16, Ибр. 2:14-15, 1 Юҳанно 3:8, 4:14-15, Ваҳ. 17:14, 19:16 **5** Мат. боб. 24

кечирувчи “кузатувчи фаришталар”, ХУДО фаришталаридир. Кузатувчи фаришталар Ҳукм куни учун ҳозирланмоқда.

Ваҳий 16:1 да, “Бундан кейин мен маъбаддан келаётган баланд бир овозни еттита фариштага шундай деганини эшитдим, Боринглар, Худонинг ғазабига тўлиб–тошган етти косадаги балоларни ерга тўкинглар” дейилади. Дониёр 4:13да бундай дейилади, Дониёр 4:30 да “ўз қудратим кучи билан [ХУДО қудрати ўрнига], ва ўз улуғворлиги шарафига [ХУДОнинг улуғворлиги ўрнига] шоҳлик уйи учун мен барпо қилган ушбу буюк Бобил эмасми?” деган димоғдор Шоҳ Навуходназар устига ХУДОНИНГ Ҳукмини келтириш учун “Кузатувчи фаришта [фаришта] ва Муқаддас Бири Самодан тушди”.

Мана Шоҳ Навуходназарга қарши амалга ошириш учун кузатувчи фаришталарга берилган ХУДОНИНГ ҳукмидир бу: “калом [ҳалиям] [димоғдор] шоҳнинг оғзида бўлганида, Самодан бундай овоз тушди, Эй Шоҳ Навухадназар, сенга бундай айтилган; Шоҳлик ундан ажраган. Ва улар [кузатувчи фаришталар] сени одамлар жамиятидан ҳайдайди, ва сен даладаги ёввойи маҳлуқлар билан бирга яшайсан: Худойи Таоло — инсон салтанатининг ЭНГ ЮКСАК Ҳукмдори эканини ва У тахтни холаган одамига беришини уқмагунингча, улар сени молга ўхшаб ўт едиради ва етти марта сенинг устингдан ўтади. Навуходназарга айтилган бу кароматли сўзлар ўша заҳотиёқ амалга ошди: ва у инсонлар жамиятидан ҳайдалди ва мол каби ўт еб, сочлари бургут қанотларидай узун, тирноқлари қушнинг чангалларидай бўлгунига қадар, унинг танаси осмондан тушган шудринггa чўмилди” (Дониёр 4:31-33).

Еремиё 4:16да, ХУДО Еремиёга бундай дейди, “Халқларга буни айтинглар; Қуддусга қарши шундай эълон қилинглар: “Олис юртдан босқинчилар келмоқда, Яҳудо шаҳарларига қарши ҳайқирмоқда”. У ерда Яҳудонинг шаҳарларига қарши кўп ғазаб бўлган. Айнан шу кунга қадар ўз МАСИҲлари бўлгани учун ИСОни ҳалиям рад қилгани туфайлидир бу.

Дунёдаги деярли барча кишилар ўзлари НУЖлар (номаълум учар жисмлар) деб атовчи нарсанинг миллион марталаб кузатувлари билан таниш деб ҳисоблайман, лекин улар НУЖлар эмас. Улар ХУДОнинг ҳукмидан, дунё охиридан, охир замондан салгина олдинги бу сўнгги кунларда ерни кузатувчи ХУДОнинг кузатувчи фаришталари ёки фаришталаридир. ХУДОнинг муруввати билан, у (ер) йўқ бўлишидан олдинроққина ўзларининг “учар ликопчалар” деб аталувчи жисмида ерни кузатувчи ХУДОНИНГ фаришталари, кузатувчи фаришталар каби юзлаб охирзамон башоратлари, белгилари ва мўжизаларини У барча кўришига имкон бермоқда. Ҳаворийлар китобида Ҳаворий Бутрус башорат қилганидек Йўэл китоби буни башорат қилади[6]: “Мана, охирги кунларда воқе бўлади, – дейди ХУДОВАНД –Мен бутун жонзод узра ЎЗ РУҲИМни ёғдираман: сизнинг ўғил-қизларингиз башорат қиладилар, Йигитларингиз ваҳий кўрадилар, мўйсафидларингиз туш кўрадилар: ЎЗ РУҲИМни ёғдираман ўша кунларда, ҳаттоки ЎЗ хизматкору ЎЗ канизакларим устига. Улар башорат қилурлар. РАББИМИЗнинг буюк ва аҳамиятга молик куни келишидан олдин, МЕН осмонда юксакда мўъжизалар яратаман, пастдаги Ерда аломатлар кўрсатаман: Қон, олов, буғ тутуни: Қуёш қоронғуликка, ой қонга айланади: РАББИМИЗга илтижо қилган ҳар бир инсон қутқарилиши рўй беражак ” (Ҳаворийлар 2:17-21).

Кузатувчи фаришталар, яъни Самодаги фаришталар яъни ва Масиҳийлар бўлган биз (Католиклар эмас), ХУДО ҳар иккаламизни ҳам яратганлиги туфайли боғлиқмиз. ХУДО фаришталарни яратди ва ХУДО бизни яратди. Эзгу инсонлар бор ва ёвуз инсонлар ҳам мавжуддир, чунки фақат баъзи бирларимизгина ХУДОнинг амрларини бажо қиламиз.[7] Биринчи Юҳанно 2:3-4: “Агар УНИНГ амрларига риоя қилсак, УНИ таниб–билганимизни шундан билсак бўлади. УНИ биламан деб туриб, УНИНГ амрларига риоя қилмаган эса ёлғончидир, унда ҳақиқат йўқ.”

Баъзи бир одамлар РАББИни севишларини айтиб мақтанадилар. Шунга қарамасдан, ўз кундалик Ҳаётларида, ХУДОНИНГ чақириқларига жавоб беришдан кўра, УНИНГ овозини рад этадилар. Баъзилари фақатгина ҳиссий жунбушга келгандагина РАББИни севишларини айтадилар. Мисол учун, кино кўришни, ёки телевизион дастурни, спорт мусобақасини, ёки мусиқий кўрсатувни кўришни истаган вақтларида, ичларидаги ҳиссиёт уларнинг боришига тўсқинлик қилади, аммо улар шунда ҳам борадилар. Улар катта гуноҳ қилмасликлари кераклигини биладилар, лекин ўзлари арзимас нарсалар деб ҳисоблайдиган нарсалардан ташвишланмайди. Худога хизматда ибодат қилаётганда, улар РАББИМИЗНИНГ РУҲИ текканидан ҳатто гувоҳлик берадилар. Бу сингари кўплаб Масиҳийликка даъво қилувчи Масиҳийлар бор. Аслида, РАББИни бундай севиш фойдасиздир.[8]

Маълум бир сингил ўнта ака-укани бирга қўшганда унга тенг келмайдиган даражада РАББИга ташна бўлиши мумкин. РАББИни севиш ҳақида У гапирганда, уни тинглаётганлар кўзига ёш келгунча тўлқинланиши мумкин. Ақлга сиғмайди, лекин, бундай сингил хафа бўлганда, уни тўхтатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Табиий ҳаёт

*(4 Саҳифада давоми бор)*

**6** Жоул 2:28-32

**7** Мат. 7:13-14, 21-23, Луқо13:23-30 **8** Мат. 7:21-23, боб. 25

## 24-Соатлик Ибодат ва Маълумот бериш Линиямиздан

Руҳоний Вилемена Томас (Лодердейл, Флорида) ўз қоғоз мактуб халтасини олди. Библия ўрганувчи гуруҳларидаги барча хонимлар ўтириб “Худо қўшини ва Ҳаво Кучлари”ни ўқишди. У хоним йиллар давомида тинглаб юрган барча худо йўлидаги руҳонийлардан (улардан ҳеч бирини узоқ вақт давомида тинглашмаган) кўра ушбу адабиётдан кўпроқ нарса ўрганишганларини айтди. Улар барчаси бу адабиётдан завқланишди ва CDларни тинглашмоқдалар. Улар Тони Қилгани каби ҳеч ким тушунарли тарзда англата олмаслигини айтди. У аёл CDлар ва адабиётларни йўллашда давом этишни илтимос қилиб айтди. Улар бирга бўлишиб, ўз ибодат учрашувларини ўтказишларини билишимизни ҳамда улар Тони ва ибодатхона учун ибодат Қилишимизни исташади. У аёл адабиётлар ва CDларнинг янгилари билан таъминланиб туришларини яна илтимос қилди. У аёл шунингдек йиллар давомида гувоҳ бўлинган йўлдан адашган уч невараси учун ибодат қилишларини ибодатхонадан сўради.

# ХУДОНИНГ ҚЎШИНИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ
## (КУЗАТУВЧИ ФАРИШТАЛАР)

*(3 Саҳифанинг давоми)*

ҳақиқий бўлмаган ҳаётдир (ХУДОдан бўлмаган ҳаёт). Бир кун, табиий ҳаётдан бўлган барча нарсалар парча-парча бўлиб кетиши керак. Биз шижоатимиз, ясама ёки сохта ғайратимиз, РАБга бўлган сохта севгимиз, ҳамда РАБга сохта хизматимиз барчаси табиий ва ХУДОНИНГ белгилари етишмаслигини, ҳақиқий эмаслигини равшан кўришимиз учун РАБнинг таъсирига ҳақиқатан тушишимиз зарурдир. Қанча пўлат ва жез деворларимиз қатламига эга бўлишимиздан қатъий назар ва бу ташқи дарвоза, ўрта дарвоза, ёки ички дарвозалигидан қатъий назар, буларнинг барчаси навбатма-навбат, ичидаги РУҲга мувофиқ ҳолда РАБга очиқ бўлиши керак. Иштиёқ ва ғайратимиз ифодасида кейин буни англаймиз, биз РАББИМИЗнинг ЎЗИНИ кўра олмаймиз. Фақатгина биз РАББИМИЗ ичимиздан чиндан ҳам озод бўла олиши мумкин бўлиш даражасида У бизга текканда ёки бизни қўзғагандагина, Юҳанно 15:2 да айтиб ўтилгани каби кўп мева ҳосил берамиз. Дарахтдаги мева ичимиздаги Худо ҲАЁТидан пайдо бўлади.

Энди, ёвуз фаришталарга тегишли бўлган одамлар ёвуз инсонлардир. Лекин, эсда тутингки, ёвуз фаришталардан кўра кўпроқ ХУДОЖЎЙ фаришталар бор. Элишай Сурия лашкари уларни ўраб олганда ўз хизматкорига буни кўрсатди. Элишай Сирияликлардан кўра у ва Элишай билан кўпчилик бор эканлигини хизматкори кўрсин учун ЭГАМИЗДАН ўз хизматкори кўзларини очишини сўради. У шундай қилганда, "Мана, айнан Худо Шоҳлиги оломони бугун бизни ўраб ва ҳимоя қилаётган, ерда, буёқда, барча нима айтаётганию қилаётганини кузатиб турган кузатувчи фаришталар билан бирга бўлгани каби, қирлар Элишайни [ва унинг хизматкори]ни ўраб турган оловли отлар ва жанг араваларига [ЭГАМИЗ оломони] тўлиб кетган эди" (2 Шоҳлар 6:17) Бу ердаги учар ликоплар ва кузатувчи фаришталар —ХУДОнинг қўшини ва ҳаво кучлари[9] томонидан самодаги ҳамма жойда ХУДОНИНГ кузатувчи фаришталари орқали рўй бермоқда.

Дунёдаги барчанинг гуноҳларидан тавба қилишлари ва ХУДОВАНДни биринчи ва энг муҳим амр бўлмиш бутун қалблари, жону дили, онги билан ва бутун кучлари борича қидиришлари учун айни пайтдир бу. [10] Тез орада шарқий осмон ИНСОН ЎҒЛИ белгиси билан тўлади. Бу ҳодисани аниқлаб берувчи бир қанча битиклар мавжуд. Бири Маттонинг йигирма-тўртинчи бобидандир. Бошқа бири Ишаёнинг иккинчи бобида келтирилган. Яна бошқа бири Ваҳий китобининг олтинчи бобида берилган.

Матто 24:30-51 да, "Ўшанда ИНСОН ЎҒЛИнинг аломати жаннатда намоён бўлади. Ер юзидаги барча қабилалар қайғуради. Шунда Ҳамма одам ИНСОН ЎҒЛИни кўради. Улар ИНСОН ЎҒЛИни кудратга ва буюк улуғворликка бурканиб, булутларда келишини кўради. Карнайнинг баланд садоси остида У ЎЗИНИНГ фаришталарини [РАБ оломони, кузатувчи фаришталарни] юборади. Улар осмоннинг бир бурчагидан бошқа бурчагигача тўрт томондан (тўрт шамолдан) У томонидан танланган одамларни тўплаб олишади. Анжир дарахти ҳақидаги масалдан сабоқ олинглар; Унинг шохлари юмшаб, барг чиқараётганда, ёз яқинлашганини биласизлар: Шу сингари, мана шу барча воқеаларни кўрганда, билингки, ўша вақт яқинлашиб қолган, ҳатто остонангизда турибди. Сизларга Чинини айтайин: Бу насл ўтмасданоқ, буларнинг ҳаммаси содир бўлади. Еру осмон йўқ бўлиб кетади, аммо МЕНИНГ СЎЗЛАРИМ йўқ бўлмайди...

Нуҳ кунларида қандай бўлган бўлса, ИНСОН ЎҒЛИ келиши ҳам шундай бўлади. Тўфонгача бўлган даврда Нуҳ кемага кирган вақтгача, одамлар еб–ичардилар, уйланиб, турмушга чиқардилар, тўфон келиб, уларнинг ҳаммасини ювиб

**9** 2 Солн. 16:9, Зак. 1:7-11, 4:10, 6:1-7, Ваҳ. 7:1-3 **10** Қонун. 4:29, 6:5, 10:12-13, 11:13-14, 13:3-4, 16, 20, 26:16, 30:6, Ёш. 22:5, Мат. 22:37-40, Марк 12:29-31, Луқо 10:27

## Кения

Ҳурматли Чўпон Тони Аламо,

Ҳар қандай исмдан устун бўлган кудратли исм, Эгамиз ва Нажоткор Исо Масиҳ исми билан саломлар. Мен сизга шуни хабар қилишдан мамнунманки, биз ҳақиқатан сиз таъмин этаётган Аламо адабиётини шаҳримизга етказмоқдамиз. Биз нажот топганлар бўлсин, нажот топмаганлар бўлсин ҳаммага етиб бормоқдамиз ва охирги бир ой давомида, 15 одамнинг кутқарилганинининг гувоҳи бўлдик ва улар ҳозир ибодатхонадалар. Бундан ташқари, биз 21 декабрда сиз жўнатган қоғозхалтангизни олдик. Биз кўпроқ адабиётлар ва Библияларни катта эҳтиёж билан сўраганимиз учун рахмат айтишни истаймиз. Биз чўпонимизнинг маҳкамага тортилиш ишларига далда бўлиши учун Худога ибодат қилишда давом этамиз ва Худо сизни марҳаматлайди, чунки биламанки, ибодатлар орқали барча нарса мумкиндир.

Унинг хизматига эҳтиром ила, ,

Чўпон Далмас Муноко

Бунгома, Кения

## Перу

*(Испанчадан таржима қилинган)*

Худо сизни марҳаматласин, Биродарим ва Тони Аламо Хушхабарчилик хизмати,

Мен сизга Худо улуғворлиги учун шуни маълум қиламанки, биз ҳозир янги жамоатдамиз. У Сульянадан уч соатлик йўл, Пьюрага яқин жойлашган Сечура деб аталган жойда бўлиб, у ерда 23 катта ёшдаги биродарлар ва 33 бола таҳсил олади. Биз адабиётингизни уйма-уй ташиб шахсий иш қилиш учун бордик ва кўплар таҳсил олишда давом этишларини исташди. Кеча биз қайта бирлашдик ва кўп биродарлар келди. Улар Эгамизни қабул қилди ва биз ҳафтасига уч марта қайта бирлашмоқчимиз. Эгамизга шон-шарафлар бўлсин. Исо яқинда келгай.

Андрес Чирокю Силва

Тони Аламо Хушхабарчилик Хизматлари

Сульяна, Перу



Чўпон Аламога мактублар

www.alamoministries.com

кетмагунча, улар ҳамма нарсадан бехабар эдилар. ИНСОН ЎҒЛИ келиши ҳам худди шундай бўлади…

Шунинг учун ҳушёр бўлинглар. Раббингиз қайси соат келишини сизлар билмайсизлар. Аммо шуни билиб қўйингки, агар уй эгаси туннинг қай соатида ўғри келишини билганда эди, у уйғоқ ўтириб, уйга бузиб киришига йўл қўймаган бўларди. Шунга ўхшаб, сизлар ҳам тайёр туринглар, чунки ИНСОН ЎҒЛИ сизлар кутмаган соатда келади."

"Имонли ва доно хизматкор ким? Хўжайин бундай одамни бошқа хизматкорларига бошлиқ қилиб қўйиди, уларга ўз вақтида овқат тарқатишни унга топширади. Хўжайин уйга қайтганда ўша хизматкорини юмуш устида кўрса, хизматкор нақадар марҳаматли! Сизларга чинини айтай: хўжайин ўша хизматкорини бутун мулки устидан хўжайин қилиб қўяди.

Борди–ю, у хизматкор ёвуз бўлиб, кўнглида: "Хўжайиним ҳали бери қайтиб келмайди", — деб, бошқа хизматкорларни ура бошласа ва шаробхўрлар билан еб–ичса, хизматкор кутмаган кунда, ўйламаган соатда хўжайини келиб қолади. У хизматкорининг жазосини бериб, бошига иккиюзламачиларнинг кунини солади. Шунда хизматкор йиғлайди ва оху- фиғон чекади.

ЭГАМИЗ бизга мўл-кўл белгилар беради, шундай экан агар сиз диққат қилаётган бўлсангиз, хабарсиз ҳолда ушланмайсиз. Мана сиз диққатингизни қаратишингиз керак бўлган бошқа бир аён бор, чунки бу аён сиз ўйлаганингиздан ҳам кўра тезроқ ҳақиқатга айланажак:

"Бундан кейин мен жаннатнинг очилганини кўрдим. [бу ХУДОдан бошқа бир охирзамон аёнидир], Мана у ерда бир оқ от; Унинг устида ўтирган ЗОТни СОДИҚ ва ҲАҚ, деб чақиришарди, У одилона ҳукм чиқариб, жанг қилади. УНИНГ кўзлари оташ алангасидай чақнарди. Бошида кўп тожлари бор эди; УНИНГ эса ЎЗИДАН бошқа ҳеч ким билмайдиган бир исми ёзилганди. У қонга беланган кийим кийиб олганди: УНИНГ исми "ХУДОНИНГ КАЛОМИ" деб аталади. САМОДА БЎЛГАН ҚЎШИНЛАР опоқ, топ-тоза, зиғир толасидан тўқилган либос кийган ОҚ ОТЛАРДА [Бу ЭГАМИЗ ва УНИНГ халойиғи, кузатувчи фариштадар] УНГА ЭРГАШИБ БОРИШАРДИ. УНИНГ оғзидан ўткир бир қилич чиқиб турарди. У ўша қиличи билан халқларни жазолаши керак: У қўлидаги темир хивчин [ХУДО КАЛОМИ] билан уларга Ҳукмронлик қилади: ҚОДИР ХУДОнинг қайноқ қаҳр–ғазаби билан узум прессларини У босиб эзади. У ЎЗ Кийимида ва сон қисмида: "ШОҲЛАРНИНГ ШОҲИ, ҲОКИМЛАРНИНГ ҲОКИМИДИР" [Бу ИСО ЭГАМИЗДИР], деган исм ёзилган. (Ваҳий 19:11-16).

Биз ҳозирги кунда охир замоннинг энг сўнгги дақиқаларида яшамоқдамиз. Барча белгилар бу ерда бор. Ягона дунё Дажжол ҳокимияти ҳозирда фаолият юритмоқда. ХУДОНИНГ ҳаво дивизияси йиллар давомида ишлаб келмоқда, ва юз миллионлаб одамлар уларни (учар ликопчалар, кузатувчи фариштадар, фариштадар, ХУДОНИНГ қироллик Ҳаво қўшинлари) кўрган. Римдаги Рим папаси Дунёни Янгидан Тақсимлаш (New World Order) қанчалар ажойиб эканлигини айтиб мақтанмоқда. Цунамилар (сув тошқинлари), сувнинг кўтарилиш тўлқинлари, зилзилалар, барча турдаги ўлатлар, касалликлар, халқларнинг саросимага тушиб қолиш ҳолатлари, таъқибу қувғинлар, ҳамда юзлаб турли-туман худонинг лаънатига учрашлар мавжуд.

Сиз ё яхшисиз ё ёмон.[11] Сиз МАСИҲни ё НАЖОТКОРИМ деб қабул қиласиз, ёки бўлмаса УНИ рад этасиз. УНИ ҳозироқ жуда кеч бўлмасдан танланг.

*(Саҳифада давоми бор 8)*

## Стивен Уедел Гувоҳлиги

Менинг исмим Стивен Уедел. 2012 йилнинг октябри охирида мен 59 ёшга чиқдим. Масиҳни шахсий нажоткорим сифатида 1971 йил, 4 Ноябрда қабул қилдим. Мен ундан бир хафта олдинроқ 18 ёшга эндигина чиққан эдим. Агар Масиҳ ЎЗИ ўша вақтда амалга оширган вақтида ҳаётимга кирмаганида, сиз эҳтимол ҳозир ўқиётганингиз инсон ҳаётини ўзгартиришдек Худо қудрати ва қобилияти гувоҳлигини ўқиш имконидан кўра мен ҳақимда йиллар муқаддам дафн маросими ҳақида газета мақоласини ўқиган бўлардингиз.

1971 йилнинг баҳорида ўрта мактабни битирганимда, менда колледжда ўқишни давом эттириш мақсади йўқ эди. Мен сохта хиппиман. Сан Францизко, Калифорнияга йўл олдим, дастлаб баъзи дўстларим билан машинада, ва кейин йўлакай машиналарда Сан Франсизкодан Боулдер, Колорадогача, ва сўнг машиналарга имо-ишора қилиб тўхтатиб, яна Калифорнияга, бу сафар Лос Анжелесга қайтиб сафар қилдим.

Мен бирга саёҳатга чиққан дўстимнинг онасининг Беверли Хиллсда жуда катта ва чиройли уйи бор эди. У аёл бизни иш топгунимизча ва жой топиб кўчиб ўтгунимизча бир оз у билан қолишимизни таклиф қилди. Унинг уйида ташқарида чиройли чўмилиш бассейни ва биз учун харид қилувчи ва овқат пиширувчи хизматкор бор эди. Бу роҳатланишга киришиш каби-кўнгилдагидек дам олиш бўлган бўлиши керак эди, лекин бу ҳаётимнинг энг аянчли вақти эди.

Мен гўёки ичимда бутунлай адашгандай ва ҳаётимда умидсиздай ҳис қилдим. Ҳаёт мазмуни ва мақсад ҳақидаги онгимдаги ва қалбимдаги муттасил чалкашликни йўқота оладиган ҳеч нарса йўқ эди. Ичимда умидсиз ҳис қилардим ўзимни. Мен бошқаларга ёрдам бера оладиган, мазмунли ҳаётни истардим. Дунёдаги мени ўраб турган шароитлардан, коррупция, лоқайдликдан, жиноят ва қон тўкишдан саросимага тушган эдим. Мен тинчлик дунёсида яшашни истардим ва Калифорниядаги хиппи ҳаракати ҳар тарафдан ҳаддан ташқари зўр бериш тизимига муқобил жавоб топишимга имкон берган бўларди дея ўйлагандим.



*Биродар Стивен Уэдел*

*(6 Саҳифада давоми бор)*

# Стивен Уедел Гувоҳлиги

*(4 Саҳифанинг давоми)*

Наша ва банг чекиш, ЛСД (галлюцинация чақирувчи гиёҳвандлар) ва бошқа галлюцинация чақирувчи гиёҳванд моддалар мен яшаётган ҳаёт учун сабаб топишдек мен ташна бўлган равшанроқ тушунишни берган бўлиши мумкин деб ўйлаган эдим. Тўққиздан-бешгача ишни, ит ва мушуклари бор қозиқдевор уйини ва истиқболи йўқ келажакни истамасдим. Ҳаёт ҳақиқатан нимага мўлжаллanганини билишни истардим. Мен қабул қилган барча гиёҳвандлар мени ҳар қандай соғлом ақлимдан мосуво қилди ва мени умуман ҳеч нарса қила олмайдиган ўта кучсиз фаҳмлаш қобилияти билан қолдирди. Мен жинни бўлаётганимни ва бундан ҳеч шубҳам йўқлигини ўйладим, эҳтимол шундай бўлган ҳам эдим. Лекин ҳечам бундай ўсиб тарбия олмаганман.

Дастлабки йилларимни океан ортида ўсиб-улғайиб кечирдим. Отам Япониянинг Токио шаҳридаги ЁХТ (Ёш Христиан Ташкилоти)да ишларди ва биз барча мазҳаблар учун очиқ ибодатхонага ҳар якшанба куни сидқидилдан қатнардик. Доим менга Масиҳий эканлигимиз уқтириларди ва ҳамиша инсонпарвар бўлишимиз, бошқаларга ёрдам беришимиз ўргатиларди. Исо туғилганига бағишланган байрам ва Пасха байрами муҳим лаҳзалар эканлигини, Санта Клоус ёки Пасха қуёнига чиндан ҳам ҳеч дахли йўқ эканини билардим. Кўп болалар каби мен ўз руҳимга, Яратувчи, ҳамма нарсани, мени ҳам яратган Худо борлигига ишонардим. Исо Масиҳга Нажоткор сифатида имон келтиришим ўқитиларди, ва шундай бўлсада Исо ҳақиқатан ким эканлиги ҳақида ўша вақтга қадар ҳам ҳеч нарса билмасдим. Ҳаётимда гуноҳ қилмасликка куч, қудрат йўқ эди, ва чиндан, ортқа қарасам, қачонлардир мен қатнаган ҳеч қайси бир ибодатхона ҳатто гуноҳ ҳақиқатда нималигини ҳам ўқитишмаган экан. Ҳеч қачон мен "Руҳдан қайта тирилиш" терминини ҳеч қачон эшитмаганман ва ўша ибодатхоналардан ҳар қандайида ҳеч қачон қалблар нажот топадиган тавба қилишга чорловнинг гувоҳи бўлмадим. Улар менинг ўзим каби руҳан ўлик эдилар.

Оиламиз Қўшма Штатларга қайтган вақтда мактабда ўнинчи синфга бораётган эдим. Мен бошқа энди руҳан ўлик бўлишни истамасдим. Бутун атрофимдаги одамлар "тушуна бошлаётган", "ташвишланаётган" ва "четлаштираётган" эдилар. Мен ҳаёт, ўлим, абадийлик, мақсад борасидаги ичимдаги саволларга ҳақиқатан жавоб излай бошладим. Мен Узоқ Шарқ динлари, тасаввуф динлари, Маҳаллий Америка Ҳиндилари динлари, фалсафалар ҳақида китобларни, одамлар ғоялари ва олий мақсадлари, коммунизм, социализм, капитализм ҳақида китоблар—ўйлашим мумкин бўлган барча нарсаларни ўқиб чиқдим. Библияни ўқидим, бироқ у вақтда, мен ичимдаги Худо Руҳисиз ўқидим, уни тушуна олмасдим. Мен диний маросим қўшиқларини ижро қилиш, йога, ўрмон орқали юриш, гулларни эҳтиётлик билан босиб ўтмаслик, Худога яқин бўлишни амалда синаб кўрдим. Ичимдаги бўшлиқни ҳеч нима тўлдира олмасди. Ҳеч нима иш бермасди.

Ўша вақтда билмасдим, аммо энди биламанки, ўша мени устимда ишлаб ва мени Уни Раббим ва Нажоткорим сифатида қабул қилишимга ўжар ғуруримни синдира оладиган жойга олиб келувчи Эгамиз бўлган. У ҳар қандай бошқа танловнинг қўлланилишига йўл қўйди. У сиз билан бу йўсинда ишлашига мажбур бўлмаслиги мумкин, лекин У охир оқибат мени ўз ҳушимга келтиришнинг ягона йўли эканлигини биларди. У мени шу мақсадда Калифорнияга келишимга йўл қўйган эди. У менинг устимда ишлаётганди, бироқ буни ҳали билмасдим.

Голливудда, Калифорнияда, Тони ва Сузан Аламо Христиан Пойдеворидан (Ташкилотидан) гувоҳларга дуч келмасдан Голливуд Хиёбонида 200 фут ҳам юра олмайсиз. Улар сиз борган ҳамма жойда бор эди. Ё иш қидирганимда ёки шунчаки вақт ўтказганимда Голливудга ҳар доим боргандам, улар хушхабар рисолаларини тарқатиб ва ўз ибодатхоналарига хизматларга келишига одамларни чорлаб ҳамма ерда юрарди. Улар Худога хизмат қилиш учун иштиёқи баланд эди. Эгамиз ҳақида бир неча марта гувоҳлик берди ва кўплаб бошқалар каби ибодатхонага боришга таклиф этилдим, аммо қайта-қайта уларнинг таклифини рад этдим.











*Қариялар уйларида катта ёшдаги турғунларга қарашувчи Аламо Хушхабарчилик хизмати биродарлари ва опа-сингиллари*

Исо ҳақида айтаётган бошқаларни тинглашда ҳалиям ўз йўсинимдан қолмасдим. Шундай бўлсада, кўп марталаб, оқшом вақтининг сукунатида, куннинг қий-чуви тўхтаганда ва энди ўзим ёлғиз қолганда, Эгамиз ушбу Масиҳийлар менга айтиб берганларини, охират ҳақида Библияда менга улар кўрсатган битикларни, ҳамма жойда осонликча кўриш мумкин бўлган нарсаларни, абадий ҳаёт тўғрисидаги битикларни ва менда чиндан ҳам савол уйғотган Дўзах ҳақида битикларни қайта эслата бошларди. Ташқарида, Шайтон мени тортиб кетар, лекин ичкарида Худо мени синдираётганди.

Бир куни пешинда, Худо воқеалар давомида Ўзи бошлаганларини битирди. Ҳаётимда бирон нима рўй бераётгандай сездим, бироқ нима рўй бераётганини билмадим. Яна ўша куни Голливуд Хиёбонида эдим, Ибодатхонадаги биродарлар ва опа-сингилларни ҳеч қидирмасдим, балки улардан қутилмоқчи эдим. Бунинг ўрнига менга шунчаки хушхабар рисоласини тутқазган ҳамда ўша кечқурун ибодатхонага келишимни таклиф қилган кўча бурчида турган шоҳид опа-сингилларга дуч келиб қолдим. Мен унга “Бу ҳақда ўйлаб кўраман” дея кучсиз баҳона қилдим. У ўша заҳоти “Мен чиндан ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрардим, чунки Худованд охирги марта сиз билан шуғулланаётган бўлиши мумкин!” дея жавоб берди. У менга айтганларидан кўра ҳеч нарса бундай таъсир қилмаган бўларди. Худовандниниг Ўзи мени билан иши йўқ бўлишини ўйлашнинг ўзи юзимга урилган бир тонна ғиштдан кўра қаттиқроқ зарба бўлди менга. Бу йўлимда тўсатдан қотириб қўйди. Мен жинни эдим, лекин Худонинг мени ёлғиз ташлаб кетиши мен исташим мумкин бўлган охирги нарса бўлиши мумкинлигини билмаслик даражасида жинни эмасдим. Бу мени даҳшатга солди. Мен аллақачон етарлича аянчли аҳволга тушгандим.

Голливуд Хиёбонигача пиёда бордим ва кўча бўйлаб жойлашган кўплаб катта уйлар ва йирик ҳовлилари бор тор кўчага чиқдим. Мен ҳовлиларнинг бирида ўтирдим ва автобуснинг деярли одамларни ибодатхонага олиб кетиш вақти бўлганча кутдим, ҳамда автобус одамларни миндирган жойгача пиёда бордим ва ўриндиққа ўтирдим.

Саугусдаги ибодатхонагача автобусда бориш анча узоқ вақтни оларди, бироқ жуда ўзимни уйимдагидек қулай ҳис қилардим. Масиҳий биродарлардан бири ўз гитарасини олиб куйлади, у ерда йўл бўйлаб бутун автобус тўла одамлар ҳам хушхабар қўшиқларини куйлашга жўр бўлди. Ўша вақтда булар барчаси менга ниҳоятда ғалати бўлган бўлса-да, жуда ўзимни хотиржам ҳис қилардим.

Ибодатхонага етганимизда, автобусда келган барча меҳмонларнинг киришига ва хизмат учун ўтиришларига ундашди. Мен бу сингари жонли ҳис берувчи ибодатхонада ҳеч аввал бўлмаганман. Олдинлари мен қатнаган ибодатхоналар ўлик ҳис билан тўйинган (saturated and steeped) эканлигидек унда ўлик ҳисни ҳис қилмадим ўзимни. Бу хизмат давомида мана бу биродарлар ва опа-сингиллар овозлари борича хушхабар қўшиқларини куйлардилар. Улар қўлларини кўтарар ва Раббимизга олқишлар айтарди. Гўёки ибодатхонадаги барча ўша кеч ўз ҳаётларида Худо амалга оширган нарсалар тўғрисида баъзи бир гувоҳликларни айтаётгандек туюларди. Баъзилари мен каби гиёҳванд истеъмол қилган кишилар бўлса, баъзилари ундай эмасди. Баъзилари собиқ маҳбуслар эдилар; Баъзи бирлари эса паст табақадан бўлса, бошқа бирлари жамиятдаги оқсуяклардан эди. Булар худди мен ҳалиям бўлганим каби —ўз вақтида аянчли ва адашган одамлар эдилар. Энди бўлса уларнинг барчаси Масиҳни ўз Нажоткорлари деб эълон қилганлар. Улар бошқа адашмаган, балки ўз йўлини топган эдилар. Қалбимда, ўша оқшом улар хизматда ифода қилганларини мен ҳам истардим. Ўша ҳаётни истардим, лекин кўп нарсалар ҳақида ҳалиям амин эмас эдим. Шайтон мени нажот топишдан мосуво қилиш илинжида охирги томчи миллионлаб шубҳаларни уйғотарди. Библияда бундай дейилади, “Раббимиз Исо Масиҳга имон келтир ва нажот топасан.” Ўша оқшомги табва қилишга чорловда, Шайтоннинг менинг устимдан ҳукмронлигидан бўшадим, бутунлай. Ўша мазҳаб олдида тиз чўкдим ва ўша оқшом Раббимиз Исо Масиҳга имон келтирдим ва нажот топдим! Менга кўрсатган Унинг муруввати ва Унинг сабри учун Худони олқишланг, абадул-абад Раббимизни олқишланг! Мен қайта туғилган эдим!

Раббим қалбимга ўша оқшом кирганини ҳис қилдим ва ҳеч қачон бунинг йўқолишига йўл қўймайман. Хизматдан кейин ибодат бўлмасига кириб ва менинг учун ғамхўрлик қилган ва ибодатга жавоб берган Самодаги Худовандининг борлигини чиндан ҳам энди аниқ билиш мен билган энг ёқимли ҳис эди. Бунинг учун Масиҳнинг тўлаган тўлови Унинг ўз қони билан амалга ошди. Биз яшай олишимиз учун у ўлди. У мени ўша оқшом ҳеч қачон унута олмайдиган жойга олиб борди. У бундан икки ҳафталарча кейин Муқаддас Руҳ билан чўмдирди. Худо ҳақиқат эмаслигига бу бошимдан ўтган кечинмалардан кейин ҳеч нарса мени ҳеч қачон ишонтира олмасди. У тирик ва У абадул-абад тирикдир. У мени қутқарди ва У сизни ҳам қутқара олади. Ўшандан бери бу хушхабарчилик хизмати орқали минглаб одамларнинг Масиҳга келганини кўрдим. Хасталиклар ва бетобликлардан Худонинг қудрати ила шифо топган кўплаб, кўплаб одамларни кўрдим. Парча-парча бўлган (меники каби) ҳаётлар самарали бўлиб кетганлик ҳолларини кўрдим. Дунё таклиф қилган ҳеч нарсага ушбу Масиҳий ҳаётимни алмашмасдим.

Тони ва Сузан Аламо ҳаётнинг ҳар қадамида Масиҳда янги ҳаёт топиш учун минглаб одамларни чорлашда Худо қўллаган (фойдаланган) инсонлардир. Улар ҳар иккаласи буни ниҳоят фидокорона адо қилишди. Улар ҳеч кимсадан эвазига ҳеч нарса ҳеч қачон сўрашмади, фақат биз Раббимизга хизмат қиламиз. Сузан 1982 йилда Раббимиз ёнига кетди ва Тони ўшандан буён ҳар куни хушхабар тарқатишда давом этиб келди. У ҳалиям давом эттирмоқда. Мен ва кўплаб бошқалар ҳар иккаласидан ҳам шундан жуда миннатдормизки, ёрдамга муҳтож бўлган бошқа одамларга улашиш учун ҳар куни кўчаларда гувоҳларга эга бўлиш учун уларда Худога бўлган иштиёқи бўлиши учун эмас, балки шунингдек мен каби одамлар муқаддаслаштирилган, художўй ҳаётда яшайдиган ва ушбу ёвуз дунё ишларига тутилмайдиган жойлар билан таъминлаганлар. Раббимизга ҳамду санолар бўлсин!

Агар сиз бу гувоҳликни ўқиётган бўлсангиз ва ҳали нажот топмаган бўлсангиз, кутиб ўтирманг. Исо Масиҳ ҳақиқатан дунё Халоскоридир, ва У сиз қаттиқ истаган барча нарсани беради. У мени қутқарди, У мен қичқириб айта оладиган нарсани берди, яшаш ва унинг учун қурбон бўла олишга арзигулик нарсани берди. У сизга ҳам айнан шундай қила олади. Кутиб ўтирманг. Ундан қалбингиз учун бугуноқ сўранг!
Раббимизга олқишлар бўлсин,
Стивен Уэдел

# ХУДОНИНГ АРМИЯСИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ
## (КУЗАТУВЧИ ФАРИШТАЛАР)

*(5 Саҳифанинг давоми)*

Сиз абадийликдан фақат бир нафас, бир қалб уришидирсиз.[12] Бу ибодатни айтиш қалбингиз ҳаққидир. Сўнгра, ОТА, ЎҒИЛ ва МУҚАДДАС РУҲ номи билан сувга чўминг, сувга чўкинг.[13] Библиянинг Шоҳ Ёқуб (the King James Version) нусхасини ўқиб ўрганинг ва амрларга амал қилинг.[14] ХУДО РУҲИ билан қадам ташланг.[15]

**Раббим ва Худойим, қалбимга, гуноҳкорга раҳм қил.[16] Ишонаманки, ИСО МАСИҲ тирик ХУДОнинг ЎҒЛИдир.[17] Ишонаманки, У барча эски гуноҳларимнинг кечирилиши учун У хочда қурбон бўлди ва ЎЗИНИНГ қимматли қонини тўкди.[18] Ишонаманки, ХУДО ИСОни МУҚАДДАС РУҲИ кучи орқали ўликлардан тирилтирди,[19] ва У гуноҳимни тан олишимни ва бу ибодатни эътироф этишимни эшитиб бу вақтда ХУДОнинг ўнг қўлида ўтиради.[20] Юрагим эшикларини очаман, ва СЕНи қалбимга чорлайман, РАББИМ ИСО.[21] Бош Суяги деган жойда хочда менинг ўрнимга СЕН тўккан қимматли қон билан бутун ярамас гуноҳларимни ювиб ташла.[22] СЕН мени рад этмайсан, РАББИМ ИСО; СЕН гуноҳларимни кечирасан ва қалбимни қутқарасан. СЕНИНГ КАЛОМИНГ, Инжил шундай дегани учун биламан.[23] КАЛОМИНГ СЕН ҳеч кимдан юз ўгирмаслигингни айтади, ва бу мени ҳам ўз ичига олади.[24] Шу туфайли, СЕН мени эшитганингни биламан, ва СЕНинг менга жавоб берганингни биламан, ҳамда нажот топишганимни биламан.[25] Ва қалбимга нажот берганинг учун СЕНдан миннатдорман, РАББИМ МАСИҲ, ҳамда СЕН буюрганинг каби амрларингни бажо келтириш ва бошқа гуноҳ қилмаслик орқали миннатдорчилигимни билдираман.[26]**

Қутқарилишдан кейин, ИСО сизнинг ОТА, ЎҒИЛ, ва МУҚАДДАС РУҲ номи билан, тўлиқ сувга ботирилиб, чўмдирилишингиз зарурлигини айтди.[27] Инжилнинг Ёқуб Подшоҳ нусхасини қунт билан ўқинг ва ўладиган кунингизга қадар айтилганларига амал қилинг.[28]

РАББИМИЗ нажотинг (Марк 16:15) ҳақида бошқаларга айтишингни истайди. Чўпон Тони Аламонинг Хушхабар адабиётининг ёювчиси бўлишинг мумкин. Бу адабиётни сизга текинга йўллаймиз. Кўпроқ маълумот олиш учун бизга қўнғироқ қилинг ёки электрон мактуб йўлланг. Ушбу мактубни бошқа кимдир-биров билан бўлишинг.

Агар ИСО буюргани каби дунёнинг нажот топишини истасангиз, унда ХУДОдан УНИНГ ушрлари ва эҳсонларини ўғирламанг. ХУДО шундай деди, "Инсон ХУДОдан нарса ўғирлашга журъат қиладими? Аммо сизлар Менинг нарсамни ўғирлаяпсизлар! Яна "нимангни ўғирлабмиз?" деб сўрайсизлар. Ушр ва эҳсонларимни ўғирладингиз!. Э, лаънати бўлиб кетинглар! Менинг нарсамни ўғирлабсиз–а! Сизлар, бутун халқ, [ушбу бутун дунё] лаънатисизлар! Қани, омборхонага ушрни [ялпи кириминингизнинг ўн фоизи] беками–кўст қилиб олиб келинглар. Хонадонимга [ нажот топган қалблар] озуқа [руҳий озуқа] келтиринглар. Шу йўл билан Мени синаб кўринглар, — дейди Сарвари Олам. — Шунда кўрасизлар, Мен Само деразақопқаларини очаман. Сизларга марҳаматимни чексиз сероб қилиб ёғдираманки, уни қабул қилишга жой қолмагай. Мен нобуд қилганнинг сиз учун юзига соламан. У экинларингизни нобуд қилмайди. Далада ҳосил вақти келгунга қадар узумзорларингиз ҳосили ерга тушмайди ҳам, — дейди Сарвари Олам.— Шунда барча халқлар сизларни бахтли деб атайди. Ҳа, юртингиз оромбахш бир жой бўлади, — дейди Сарвари Олам (Малаки 3:8-12).

---

**11** Мат. 7:15-20, Ёқуб 3:11-12, Ваҳ. 20:11-15, 21:7-8, 24-27, 22:11-12, 14-15 **12** Воиз. 3:19, Иша. 2:22 **13** Мат. 28:19-20 **14** 2 Тим. 2:15, 3:14-17 **15** Ҳизқ. 36:27, Рим. 8:1-14, Гал. 5:16-25 **16** (Заб. 51:5, Рим.3:10-12, 23) **17** (Мат.26:63-64, 27:54, Луқо 1:30-33, Юҳ. 9:35-37, Рим.1:3-4) **18** (Ҳав.4:12, 20:28, Рим.3:25, 1 Юҳ. 1:7, Ваҳ.5:9) **19** (Заб. 16:9-10, Мат.28:5-7, Марк 16:9, 12, 14, Юҳ. 2:19, 21, 10:17-18, 11:25, Ҳав.2:24, 3:15, Рим.8:11, 1 Кор.15:3-7) **20** (Луқо 22:69, Ҳав.2:25-36, Ибр.10:12-13) **21** (1 Кор.3:16, Ваҳ.3:20) **22** (Эф.2:13-22, Ибр.9:22, 13:12, 20-21, 1 Юҳ. 1:7, Ваҳ.1:5, 7:14) **23** (Мат.26:28, Ҳав.2:21, 4:12, Эф.1:7, Кол.1:14) **24** (Мат.21:22, Юҳ. 6:35, 37-40, Рим.10:13) **25** (Ибр.11:6) **26** (Юҳ. 5:14, 8:11, Рим.6:4, 1 Кор.15:10, Ваҳ.7:14, 22:14) **27** (Мат.28:18-20, Юҳ. 3:5, Ҳав.2:38, 19:3-5) **28** (Қонун. 4:29, 13:4, 26:16, Ёш.1:8, 22:5, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, Ёқуб 1:22-25, Ваҳ.3:18)

---

*Илтимос кўпроқ маълумот олиш ёки қизиқтириши мумкин бошқа мавзулар бўйича адабиётлар олиш учун бизга боғланинг.*


**Тони Аламо, Дунё Чўпони, Тони Аламонинг Дунё бўйлаб Хрестиан Хушхабарчилик хизматлари • Почта Қутиси 2948, Голливуд, CA 90078 АҚШ**

**Йигирма тўрт соатлик ибодат ва маълумот линияси: (661) 252-5686 • Факс (661) 252-4362**

**www.alamoministries.com • info@alamoministries.com**


*Тони Аламонинг Дунё бўйлаб Хрестиан Хушхабарчилик хизмати чиндан ҳам РАББИМИЗга бутун юраги, қалби, вужуди ва кучи билан хизмат қилишни истаганларга АҚШ манзилларимизда ҳаёт учун зарур бўлган барча қулайликларга эга яшаш жой билан таъминлайди.*

**Хизматлар Нью Йорк шаҳрида ҳар Сешанба куни соат 8 тушдан кейин ва бошқа жойларда оқшом ўтказилади. Илтимос маълумот учун (908) 937-5723 рақамига қўнғироқ қилинг. ҲАР БИР ХИЗМАТДАН СЎНГ ТАОМ УЗАТИЛАДИ.**

Чўпон Аламонинг китобини, Муқаддас Ёғ Суртилган сўранг, Эски Аҳддан аён бўлган МАСИҲ 333 дан ортиқ башоратда намоён бўлди.

*Чўпон Аламонинг адабиётини ёювчи бўлиб кўнгиллар йиғим-теримида меҳнаткаш бўлинг.*

*Барча адабиётларимиз ва аудио мактубларингиз етказиб беришни ўз ичига олган ҳолда текиндир.Агар кимдир улар учун сиздан ҳақ сўрашга ҳаракат қилса, илтимос (661) 252-5686 рақамига текин телефон қилинг.*

**УШБУ АДАБИЁТ НАЖОТНИНГ ҲАҚИҚИЙ РЕЖАСИНИ ТАШИЙДИ (Ҳав 4:12). УНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ, УНИ БОШҚА БИРОВГА УЗАТИНГ.**

**Бошқа мамлакатда бўлганларингизни эса ушбу адабиётни ўз она тилингизга таржима қилишингизга ундаймиз. Агар қайта нусха чиқарсангиз, илтимос ушбу муаллифлик ҳуқуқи ва қайдни қўшиб чиқаринг:**

© Муаллифлик ҳуқуқи Февраль 2013, 2015 Барча ҳуқуқлар ҳимояланган Дунё Чўпони Тони Аламо ® Рўйхатга олинган Февраль 2013, 2015

UZBEK —VOLUME 17400—THE ARMY AND AIR FORCE OF GOD